ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.

**Она юртинг — олтин бешигинг**

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

*Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси*

| Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 63 (6805)<br>1997 йил, 16 август, шанба | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|

**Болалигим, сени соғиндим**

# ТАНИГАНИМ — КИТОБ, ДЎСТИМ — ХАЁЛ ЭДИ

***— дейди шоира Хосият БОБОМУРОДОВА***

**— Хосият опа, болаликнинг хаёллари гўзал бўлади, ўша хаёл эсдаликларидан сўзлаб берсангиз?**

— Тоғлардан узоқлашганимиз сари юксалиб бораверагани каби одам умрининг энг тоза фасли — болалик ҳам ортимиздаги қайтиб бўлмас юксакликка ўхшаб қоларкан. Менинг болалигимдаги энг ширин хотираларим шеърларимда бўй кўрсатаётгандек, назаримда. Таниганим — китоб, дўстим — хаёл эди. Отамдан тилаганим эртак эди. Эслайман, онам оёғимга янги ковушча олиб бериб, ёвонга жўнатганларида мен ариқ бўйида хаёл суриб ўтириб ковушчамнинг бир пойини сувга тушириб юборгандим. Ва ариқ бўйидан оқиб бораётган ковушим билан бирга югуриб, йиғлагандим. Ким билади, дейсиз, балки ўша хаёл суриб ўтирганимда илк шеърим ёзилгандир? Балки ўша дам ковушчам сингари арикда болалигим ҳам оқиб кетгандир? Мана ўша боланикнинг ортида ҳамон ариқ бўйлаб йиғлаб югураман. Бироқ болалик энди болаларимнинг, набираларимнинг кулгуларида жаранглайверади.

**— Алдагани бола яхши деймиз...**

— Бугун биз болани алдасак, эрта у юртни алдайди. Сиз болани алдаманг, уни ишонтиринг, масалан, эртакларга...

**— Болалик ҳайратлар дунёси. Сизда ҳам ўша ҳайратлар ҳануз борми?**

— Шунинг учун ҳам шоирман-да. Биласизми, шоирлик юрагимизнинг бир четида қолган болалик ҳайрати бўлса ажаб эмас. Негаки ҳайратлар бизни шоир қилади-да.

**— Болалик беғуборлик дейишади. Ҳозирги болаларнинг бозордаги андак айёрликларини сиз «замонавий бола характери» дейсизми, ёки «беғуборликка тушган ғубор», деб баҳолайсизми?**

— Бугунги баъзи бозор болалари ота-онасининг бугуни, эртаси эмас. Улар катталарнинг келажакка қолдираётган жароҳатларидир. Илмни эмас, пулни ўйлаб ўсаётган боладан яхши нарса кутиш қийин. Болаларни кўпроқ илмга чақириш керак. Илмсиз одам жамиятга, башариятга жоҳиллик бера олади, холос...





*— Ҳувв, анави тоғларнинг орқасидан қуёш чиқади.*

**— Катталарнинг болалар олдидаги энг катта масъулияти нима?**

— Тўғри йўлга сола билиш. Вақтим йўқ деб минг хил ишга югурамиз-да, болага эътибор бермаймиз. Муҳими эса қанча вақт сарфлашда эмас, қанча тарбия бера олишда экан.

**— Шоир Есениннинг:**
***Гўдакликдан маълум***
***ҳар одам,***
***Бола бошдан деган гап***
***тўғри,***
***Мабодо мен шоир***
***бўлмасам,***
***Бўлар эдим безори, ўғри,***
**—деган сатрлари бор. Гарчи шоирлик касб эмас, қисмат бўлса-да, сиз шоир бўлмаганингизда ким бўлардингиз?**

— Барибир шоир бўлардим.

**— Сизга дунёдаги энг чиройли совғани берамиз, дейишса нима сўрардингиз?**

— Болалигимни. Унинг эртакларини совға қилишларини сўрардим.

**— Озодликнинг, эркнинг болаларига қандай тилакларингиз бор?**

— Болаликдан кетиш муқаррарликдир. Мен уларга болаликнинг хаёлларидан кетмасликларини, яъни болаларча соф бўлиб қолишларини тилайман. Бугуннинг болаларининг энг катта ғалаба ва имконияти —улар эркин ва озод. Ана шу озодлик меъёрларини ютқизмасликларини тилайман.

**— Суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Гулжамол АСҚАРОВА суҳбатлашди.**

# «КЕЧА ВА БУГУН»НИ ЎҚИБ...

**Яқинда «Халқ сўзи» газетасида «Ўзбекистон— Ватаним маним» рукни остида берилган Машраб Бобоевнинг «Кеча ва бугун» мақоласини ўқиб чиқдим. Ўқишга ўқидиму, тўғриси анча вақт ўзимга келолмай юрдим. Мақолада мустақиллик даврига қадар ва бугунги кун фарқлари таққосланган эди. Унда ёзилишича, дунё харитасида Ўзбекистон деган давлат йўқ экан. У фақат СССР харитасидагина мавжуд экан, холос. Бироқ, хориждаги кўпгина давлатлар ва уларнинг халқлари СССР деган давлатни ҳам билмас, уни Россия деб атаканлар. Иккинчи жаҳон урушида жон олиб жон берган, қурбон бўлган ўзбеклар ҳам Россия фуқароси, гўё рус кишиси ҳисобланган...**

**Эндиликда байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида ҳилпираб турибди. Бу — Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар сафида ўзининг муносиб ўрнига эга, деган гап.**

**Тенгдошларимиз Англия, Америка, Туркия каби мамлакатларда таҳсил олишаяпти. Улар Ўзбекистон юртининг болалари кўп яхши ишларга қодир эканликларини намойиш қилишмоқда. Биз— болалар мустақил Ватанимизнинг фарзанди эканлигимиздан фахрланган ҳолда билим ва ҳунар эгалламоқдамиз. Ватандошимиз Жалолиддин Румий:**

***«Аввал ғиштни қийшиқ***
***қўяркан меъмор,***

## Фахр

***Осмонга етса ҳам***
***қийшиқдир девор»,***
**деб ёзганлар.**

**Аммо биз қураётган ҳурриятимиз девори мустаҳкамдир. Бунинг учун бизлар ўтмиш ҳақиқатини билишимиз, истиқлолнинг қадриға етувчи, уни ҳамиша асраб-авайлагувчи инсон бўлишимиз шарт.**

**Муроджон ИБОДОВ, Тошкентдаги 310-авиация-иқтисод лицейининг 11-синф ўқувчиси.**



## ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАЯПТИ, БОЛАЛИК?

### ИНСОН ЮРАГИНИНГ КЎЗИ

Мени Анвар тўполончи, дейишади. Аслида тўполончи эмасман. Фақат баъзи-баъзида шўхлик қилиб тураман. Яқинда ўртоқларим Шуҳрат ва Шерзод билан туман марказидаги чўмиладиган жойга бордик. Улар сувга кириши билан уст-бошларини яшириб қўйдим. Ўзингиз тушунасиз, қишлоқда бўлса ҳеч гап эмас. Аммо шаҳарда турсикчан юриш роса кулгили-да. Бечора дўстларим роса ёлворишди, топиб бермадим. Кейин ўша кулгили ҳолда қишлоққа қайтишди.

Уч ойлик таътил даври тугай деб қолди. Мен бирорта лагерга бориб дам олганим йўқ. Қайсидир йили бориб дарров зерикиб қолгандим. Ва кўп ўтмай орқамга қайтгандим.

Таътил даврида ўрик, олма, шафтоли қуритдим. Ишдан бўш вақтларимда нуқул китоб ўқидим. Яқинда мактаб мудиримиз Ҳабиба опа ҳар бир синф ўқувчилари ўқув хоналарини ўзлари таъмирлашлари кераклиги ҳақида барча болаларга хат жўнатибди. Бу хат менга ҳам келди. Ва дарҳол эски кийимларимни олиб, мактабга бордим. Уйда ҳам зерикиб қолдимда. У ерда бир ҳафта ишлаб, синфларни ўқишга шайлаб қўйдик. Ростини айтсам, мактабни жуда яхши кўраман. Бобом доим илмли хор бўлмас, дейдилар. Бир куни нега доим шу сўзни такрорлайверасиз, деб сўрадим. Бобом эса донишмандлик билан: «Болам, билим инсоннинг кўзини очади, кимки билимли бўлса, у қандай замонда бўлишидан қатъи назар ҳеч кимга муте бўлмайди. Ўзлигини, ўз қадрини яхши англайди», деб жавоб бердилар.

Менинг ҳали умидларим катта.. Элчи бўлмоқчиман. Шунинг учун, Дипломатия олийгоҳига кириб ўқийман.

Ана, кўрасиз. Ўша сиз билган Анвар тўполончи ўз орзусига етмагунча қўймайди. Майли, ҳозирча хайр, албатта бир кун Тошкентда учрашамиз.

**Анвар КОМИЛОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Узун туманидаги**
**Навоий номли**
**3-мактабнинг**
**7-синф ўқувчиси.**



### КУМУШБИБИГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

Сиз Фарғона водийси ҳақида кўп эшитган бўлсангиз керак. Мен ҳам мана шу сўлим жойда яшайман. Бизнинг водий халқи ўзининг меҳмондўстлиги, пазандалиги, чеварлиги билан машҳур. Яқинда «Ўтган кунлар» китобини ўқиб чиқиб, қаттиқ таъсирландим. Ундаги Кумушбиби қиёфаси ҳалигача кўзим ўнгида турибди. Мен бу китоб ҳақида аяжонимга айтиб берсам, улар кулимсираб «Қизим, бу китоб менинг болаликдаги дўстим эди. Шу китобни ўқидиму, кийиниш, орасталик, деган нарсаларни тушуниб, ўзимга қарайдиган бўлиб қолдим. Менга нафис кийинган Кумушбибининг диди жуда ёқарди», дедилар.



Аяжоним қишлоғимиздаги қўли гул чеварлардан. Улар тиккан кўйлакни киймаган, кийишни орзу қилмаган инсоннинг ўзи йўқ, атрофимизда.

Мен ҳам тикиш-бичиш сирларини анча ўзлаштириб олдим. Мана шу ёзги таътил даврида ҳам бекор ўтирмадим. Газета, журнал, телевизорда кўрган янги фасондаги кўйлакларни мустақил равишда ўзим тикмоқчи бўлиб, ҳаракат қилдим. Ҳаракатларим зое кетмади. Бир куни аям йўқ пайтларидан фойдаланиб, яқиндагина телевизорда сухандон қиз кийиб чиққан кўйлак фасонидан тикмоқчи бўлдим. Ўзимга жуда ёқди. Лекин хаёлимда аямга ёқармикан, деган ўй турарди.

Эртаси куни эрталаб турдим-да, супаларга сув сепиб, супуриб, ҳаммаларини нонуштага чақирдим. Нонушта пайти «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувини кўрар эканмиз, менинг ҳавасим кетган кўйлакда ўша таниш сухандон чиқди. Аям эътибор билан тикилиб: «Қурмағур, фасони ўзига жуда ярашган-а», дедилар. Мен ҳам пайтдан фойдаланиб, ўзим кечқурун тикиб қўйган кўйлагимни кийиб чиқдим. Авваллига аямлар ўзим тикканимга ишонмадилар. Кейин эса кўзларига ёш олиб: «Умрингдан барака топ қизим, қўлинг дард кўрмасин», дедилар. Мен эса хурсандлигимдан учиб юрардим.

**Марҳабо ҲОЛИҚОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Учкўприк тумани,**
**9-ўрта мактабнинг**
**7-синф ўқувчиси.**

### КАШТА ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Сиз «Мафтунингман», деган кинони кўрганмисиз? Кўрган бўлсангиз эсланг. Унда Юлдузхон деган зардўппи тикадиган чевар қиз иштирок этади. Айтишларича, ота-онам менга ўша қиздай бўлсин, деб Юлдузхон деб исм қўйишган экан. Кичкиналигимданоқ зар ипларни яхши кўрар эдим. Онам дўппи тикаётган пайтлари қуёш нурида турли рангда товланаётган зар қатимлар шуъласи кўзимга тушиб, завқимни келтирар эди. Бора-бора мен ҳам зар ипларда гуллар соладиган бўлдим. Биринчи тиккан каштамни сувга оқизиб юбордим. Шундай қилинса, ниҳоятда эпчил, чевар бўларкансиз. Уч ойлик таътилда мен она Бухоромизнинг 2500 йиллик тўйига атаб зар сўзана тикдим. Унда Минораи Калон ансамбли сурати зар ипакларда туширилган.




Айтгандай, сентябрь ойида Бухоронинг 2500 йиллиги нишонланадиган тўйига албатта келинг. Сизга Бухорони кўрсатаман. Бу қадимий, муқаддас шаҳар албатта сизга ёқади. Келсангиз сизга ҳам атаган совғам бор. Келасиз-а, кутаман.

**Юлдузхон НЕЪМАТОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Бухоро тумани,**
**23-ўрта мактабнинг**
**8-синф ўқувчиси.**

**Эзгулик йўлидаги қадамлар**

# Мен дунёни қалбим билан кўраман



Менинг чақалоқлигимда дадам бешигимга ният қилиб рубоб осиб қўярканлар. Эл тилидан куйлайдиган ҳофиз бўлсин, дер эканлар. Онамнинг бўлса менинг кўрмаётган кўзларимга термула-термула сочлари оқарган. Дугоналари даврасида бирмунча кексароқ кўринишларидан ўзимни айбдор ҳисоблайман.

Мен буларни қалб кўзим билан кўриб, идрок эта оламан. Мен ўшанда 4 ёшлар чамасида эдим. Уйимиз олдидан катта ариқ оқиб ўтарди. Ўша куни аям нима иш билandир машғул бўлиб, мени кўзлари олдидан бир оз хаяллаган бўлсалар керак, шалоблаб сувга тушиб кетганман. Аям шу ариқдан жуда қўрқарканлар. Лекин сувни шалоблаганини эшитганлари замон ариқ олдига чопиб келиб, сувга ўзларини ташлабдилар. Бирор марта сувда сузиб кўрмаган аяжоним кўзларига сувдан кўра мени оқиб кетишим қўрқинчлироқ кўринган бўлса ажаб эмас. Негадир шу манзара хаёлимда бот-бот намоён бўлаверади.

Қизиқ. Менинг назаримда, дадам билан аям бу дунёда мен учун яшаётгандай. Бир куни мендан, ёмон одамларни қандай тасаввур қиласиз? — деб сўраб қолишди. Мен эса жавоб беролмадим. Сабаби, ҳозиргача ёмон одамлар ҳақида бирор тасаввурга эга эмасман. Бунга аям билан дадам сабабчи бўлсалар керак. Чунки улар бирор одамни ёмон экан, деганларини эшитмаганман.

Мен ёшлигимдан қўшиқ куйлашни яхши кўраман. Менинг устозим — дадам. Бир куни дадам автобусда кетаётиб, мусаввира Гулнора Раҳмоновани учратиб қолибдилар. Дадам мен ҳақимда Гулнора опага гапириб берибдилар. Эртасига кечки маҳал уйимизга қўлларида бир қанча шеърий китоблар билан Гулнора опа кириб келдилар. Мен билан узоқ суҳбатлашдилар. Мен ўша куни Гулнора опани фақат ранглар мусаввираси эмас, кўнгил, қалб мусаввираси ҳам эканликларини ҳис қилдим. Биз Гулнора опа ёрдамларида ансамбль туздик. Ҳозирча ишларим ёмон эмас. Худога шукур, қўшиқ айтяпман. Қўшиқларимни кимлардир эшитаяпти. Яқинда 17 га тўлдим. Мен ҳақимда телевизорда ҳам кўрсатишди. Кўчада дадам билан кетатуриб, икки аёлнинг шу кўрсатув ҳақида гапираётганларини эшитиб қолдик.

Улар бир-бировларига «Овози яхши экан-у, худойим кўздан қисмаганда нима қиларди», — деганлари қулоғимга чалинди. Алланечук бўлиб кетдим. Кўпинча кўчаларда одамларнинг менга раҳмлари келаётганини сезиб қоламан. Ўшандай пайтларда «Мен дунёни қалбим билан кўраман», дегим келади.

Насиб этса, яқин кунларда Мустақилликнинг 6 йиллик тўйини нишонлаймиз. Мен ҳам бу байрамга атаб қўшиқлар тайёрладим. Мақсадим— қўшиқларим билан бу байрамга ўз улушимни қўшиб, дадам орзу қилган санъаткор бўлиш.

**Очилхон Қори РОЗИҚОВ,**
**Ёш ҳофиз.**

# КИТОБСЕВАР БОЛА

Ўктам Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида яшаркан. Унинг Раҳим исмли акаси, Лола, Ирода исмли опалари бор. У бу йил Ҳазарбоғ қишлоғидаги Д. Менделеев номли 27-ўрта мактабни 8-синфини тамомлади. У бизнинг эътиборимизни 85- автобусда китоб ўқиб кетаётган маҳал ўзига тортди. Ҳозирги кунда болаларнинг тенг ярми бозор-ўчарга берилиб кетаётган бир пайтда бу ҳол бир оз нотабиийроқ туюларкан. Тасаввур қилинг, бола ўриндиққа ўтирган ҳолида китоб ўқиб кетяпти. Автобуснинг навбатдаги бекатида ёши кексароқ аёл автобусга чиқиб келди. Бола дарҳол ўрнидан туриб аёлга жой беради. Сиз ҳамон ўша болакайни кузатиб турибсиз. У ҳеч кимга эътибор бераётгани йўқ. Бир қўли билан тутқични ушлаган бўлса, иккинчи қўли билан китобни ушлаб олган. Ҳар замон, ҳар замонда нигоҳларини китоб саҳифаларига ташлаб қўяди.



Автобус Олой бозорига етганда йўловчилар сони бир оз камайгандек бўлди. Мен Ўктамнинг қўлидаги китоб билан қизиқдим. Китоб — Рашод Нурининг «Чолиқуши» асари экан. Бу китоб менинг болалигимнинг ҳам севимли асари эди. Ўктамнинг айтишича, у Тошкентга «Семашко» санаториясида даволаниб, дам олиб кетиш учун келибди. У 18 кун санаторияда дам олиб, кеча чиқибди. Уни Қорақамишдаги тоғаси Мустақиллик майдонини томоша қилдириш учун олиб келибди. Унинг бу йил санаторияга учинчи йил келиши экан. Ўктамнинг қаршилик Мансур, тошкентлик Абзал исмли дўстлари бўлиб, бундан уч йил аввал санаторияда танишишган экан. Насиб этса, кейинги йил июль ойида яна шу ерда учрашишга келишиб олишибди.

— Сенга санаторияда нималар ёқди, — деган саволимга дўхтирлари, дея жавоб берди Ўктам. Ва Фарида, Наргиза, Дилором, Мавжуда каби опалари қўлида даволанганидан тўлиб-тошиб гапиради. Ўктамнинг гапларидан кўриниб турибдики, уларнинг оиласи китобни жуда яхши кўришар экан. Мен ундан автобусда китоб ўқиш зарарли эмасми? дея сўрадим.

— Кўзга зарари бор. Автобус тўхтаган маҳали мункиб, йиқилиб кетиш ҳам мумкин. Лекин мен бу борада жуда эҳтиёткорман. Инглизча сўзларни кўпинча автобусда ёдлаб юраман, —дея жавоб берди Ўктам. Келажакда ким бўлмоқчисан, — деган саволимга «Юрист бўлмоқчиман-у, фақат уйимдагилар рози бўлишмаяпти-да, — дейди Ўктам.

Мен бу беғубор боланинг эртасига ёруғ келажак тилаб, у билан бўлган қисқача суҳбатни қоғозга туширдим. Агар у газетамиз саҳифаларини кузатиб борса, ўзи ҳақидаги мақолага кўзи тушар ва автобусдаги бу тўқнашувни Олтинсойлик ўртоқларига ҳам гапириб берар, деб ўйладик.

**Наргиза РУСТАМОВА.**

**Меҳр тилда эмас**

# ҚЎЗИЧОҚНИНГ КЎЗИДАН ЁШ ОҚАРДИ

Бир куни уйимизга шаҳардан меҳмонлар келишди. Меҳмон—холам менга чиройли енгсиз кўйлак олиб келибдилар. Дадам енгсиз кўйлакни ёмон кўрадилар, шунинг учун дадам командиёвкага (шу сўзни айтишга тилим келмайди) кетганларида киймоқчиман. Холамнинг мен билан тенг Алишер, мендан икки ёш кичкина Азамат исмли ўғиллари бор.

Ўша куни мен Алишер, Азамат билан бирга ўйнадим. Пешин маҳали овқатланиб бўлиб кўрпача устида ухлаб қолибман. Уйғонсам, нима бўлибди, денг? Қўрамизда иккита қўйимиз билан иккита қўзичоғимиз бор эди. Бундан бир ярим ой аввал туғилган эди қўзичоқлар. Мен бу қўзичоқларга шунақаям меҳр қўйган эдимки, улар ҳам мени кўришлари билан олдимга чопқиллаб келишарди.

Уйғониб ҳовлига чиқдим. Олдимга чопқиллаб келадиган қўзичоқларим мени кўриб кўрмасликка олгандек индамай тураверишди. «Ба-ба-ба» десам югуриб келишарди. Чақирсам келишмадиям. Олдиларига бордим. Бирдан кўзим битта қўзичоқнинг кўзига тушиб қолди. Қўзичоқнинг бир кўзидан тинмай ёш оқарди.

Кейин маълум бўлишича, Азамат қўлида кўтариб юрган ўрик шохи билан қўзичоқнинг кўзига урган экан... Роса йиғладим. Ўша кундан бери қўзчоғимизнинг бир кўзи кўрмайди.

**Зарнигор ТЎХТАНАЗАРОВА,**
**Наманган вилояти, Чуст туманидаги,**
**Олмос қишлоғи.**

# ҲАМЗА АКАДАН НИМА ҚОЛДИ?

Болалар адабиётининг жонкуяри, ажойиб шоир акамиз Ҳамза Имомбердиевдан айрилиб қолдик...

Ҳамза Имомбердиевнинг номи етмишинчи йиллар ўрталаридан адабиётимизда ярақлаб кўриниб келаётган эди. Ҳамза ака сўнгги йилларда диний ривоятларни, Қуръони каримдаги ҳикоятларни болаларбоп тилда шеърий йўлда қоғозга тушира бошлаганди.

Педагогика институтида кучли, савияси баланд адабий тўгарак бор эди. Шу тўгаракдан бугунги кунда адабиётимиз, маданиятимизда таниқли шахсларга айланганлар етишиб чиқди. Абдусаид Кўчимов, Ғаффор Ҳотамов, Ҳамза Имомбердиев, Раҳматилла Баракаев, Шукрулло Абдуллаев, Туроб Юсупов,



Тўра Нормат, Абдурашид Нурмуродов, Бахтиёр Муҳаммадиев, Мақсуда Қоратоева, Ҳамроқул Асқарлар номи бугун мамлакатимизда кўпчиликка маълум. Тўгарак раҳбари Пирмат ака Шермуҳамедов эди. Қизиқ, талабаларнинг тўгараги-ю, унга ҳатто домлалар кириб ўтиришарди. Шеър тинглашарди, шеър ўқишарди...

Ҳамза Имомбердиев мана шу тўгаракнинг сардори, ташкилотчиси, жонкуяри эди. Ҳамза аканинг жонкуярлиги ҳозир ҳам қолмаган экан, у маҳалла болаларини тўплаб, байрам кунларида шеърхонлик тадбирларини ўтказар экан. Бундай фидойилик, бундай жонкуярлик, бундай тарғибот-кимнинг қўлидан келади, айниқса, ҳозирги пайтда?

Ҳамза акадан бу дунёда аввало, истеъдодли, одобли фарзандлар қолди.

Ҳамза акадан етти-саккиз номда гўзал китоблар, шеърлар қолди.

Ҳамза акадан дўстлари, қариндошлари, мухлислари ўртасида ҳеч ўчмас хотира қолди...




**Абдужалил ЗОКИРОВ**

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

— Қани яқинроқ ўтиринглар-чи, ҳозир нимагадир ёдимга бир афсона тушиб қолди. Яна тўғрироғи унинг баъзи жойлари эсимдан чиқиб кетгану шундай бўлса ҳам жуда айтиб бергим келяпти. Қўшиб-чатиб бўлса ҳам хикоя қилай. Эшитасизлармиʔ

— Майли, майли, айтиб беринг...

Болалар бош йўриқчи ёнига давра қуриб ўтиришди....

...Айтишларига қараганда бир замонлар қудратли, адолатли ҳукмдор яшаган экан. Бир куни унинг саройига жулдур кийимли соч-соқоли ўсиб кетган бир киши ўша подшони сўроқлаб келибди. Ҳалиги кишининг қўлида кичкина кўзача бормиш.

Шоҳ уни ўз ҳузурига чорлабди. Муддаосини сўрабди.

— Эй, қудратли подшоҳи олам, — дебди жулдур кийимли киши, — мен қанчадан-қанча сарсону-саргардонлик, азобу уқубатларга дучор бўлганимдан кейин, бирдан-бир мақсадимга етдим. «Оби ҳаёт» сувини топдим. Уни ичган киши — дунё тургунча яшайди.

Оби ҳаёт сувини топишга топдим-у, лекин ўзим ича олмадим. Чунки бутун ҳаётим чор-ночорликда ўтди, бундан кейин қандай ҳаёт кечиришимни эса, билмайман. Ўзимни илму фанга бағишладим, муддаоимга етдим. Балки келажакда ҳам азобу уқубатда ҳаёт кечирарман? Ундай кун кўришга тоқатим йўқ. Ахир ўйлаган нарсаларимни амалга оширдим-у, энди бу дунёга нафим тегадими, йўқми?

Ўйлай, ўйлай «бу сувни роҳату фароғатда умр кечираётган ҳар доим шундай яшай оладиган, ҳар доим кишиларга фойда келтира оладиган кишигина ичиши керак» деган хулосага келдим. Ер юзида бундай киши битта, у ҳам бўлса сенсан.

Мана бу кўзачани ол. Ундаги «оби ҳаёт» сувини ич. Шунда абадул абад яшайсан.

Подшо кўзачани олиб қолиб, ҳалиги кишига ҳисобсиз бойликлар ҳадя қилибди.

Кейин «Шу сувни ичсаммикан ёки ичмасам», деган ўй унга сира тинчлик бермабди. Икки вазири бор экан, охири уларга маслаҳат солибди.

— Ичинг, — дебди биринчи вазири, унинг сўзларини эшитгач, — қўрқмасдан ичаберинг. Ҳамма ўлимдан қўрқади. Сиз эса ундан қўрқмайдиган бўласиз. Ахир бу дунёда абадий роҳату фароғатда яшашдан ортиқ бахт борми?

Подшонинг иккинчи вазири узоқни ўйлайдиган, мулоҳазали, доно киши экан, у биринчи вазирнинг фикрига қарши чиқиб шундай дебди:

— Ичманг, подшоҳи олам, менинг маслаҳатимга кирсангиз шу касофат тўла кўзачани синдириб ташланг.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўрабди подшо.

— Ахир ўзингиз ўйланг, бола-чақангиз ўлиб кетади, ҳеч нарса қилолмайсиз. Дўсту биродарларингиз қазо қилади, уларни қутқариб қололмайсиз. Доду фарёд чекасиз. Ҳисобсиз бойликларингиз-у, шонушавкатингиз юрагингизга малҳам бўлолмайди. Ахир, фарзандларсиз-у ёру биродарсиз ўтган ҳаёт, ҳаётми?...

— Балли, — дебди подшо, — сўзларинг маънили. Кел, сен айтганча бўлсин.

У шундай дебди-да, кўзачани ерга урибди. Шу-шу аввал бор бўлган «оби ҳаёт» суви йўқолиб кетибди...

— Афсона қизиқ экан. Лекин, уни нега ҳозир айтиб бердингиз, сабаби борми? — деб сўради, ҳамма нарсага қизиқувчан Дилфуза, Содиқ ака гапириб бўлгач.

— Ҳа, — деди Содиқ ака,— кейин ундан қандай маънолар келиб чиқишига аҳамият бердингизми? — Содиқ ака дарров суҳбат мавзуини ўзгартирди, — ундан кўп нарса уқиш мумкин, энг асосийси эса у дўстларсиз ҳаёт ҳаёт эмас, ҳар бир ишни ўйлаб қилиш керак, дейди. Тўғрида. А? Қосимжон, сен нима дейсан?

— Тўғри...

— Ҳа балли, энди бундай юришни йиғиштиришинг керак. қара, ҳамма болалар ўйнабкулиб юришибди. Сен бўлсанг... Бунақада қандай қилиб дам олдингу, қандай куч йиғдинг... Қандай қилиб дўст орттирдинг. И, и, қовоғингни солма. Ҳақ гап ҳар доим қулоққа ёқабермайди дейишади. Энди сен ўзингни оғайниларингдан олиб қочмай ўйнаб, кулиб юр, хўпми?

Қизариб кетган Қосимжон зўр-базўр:

— Хўп, — деди.

Ҳаммалари унга қараб жим бўлиб қолишди. Сукунатни ўзича, ноқулай аҳволга тушган Қосимжонни қутқармоқчи бўлиб Содиқ акага яна савол берган Дилфузанинг жарангли овози бузди.

— Менимча «оби ҳаёт» суви бўлмаган. Лекин, кишининг умрини узайтириш ҳақида анчадан бери ўйлашади. Ҳозир ҳам мутахассислар иш олиб боришаётганмиш. Шу тўғрими?

— Ҳа, мен яқинда бир журналда ўқидим, — жавоб бера бошлади Содиқ ака, — кишилар умрини ухлатиб қўйиб узайтириш устида иш олиб борилаётганмиш. Ҳа, ҳайрон бўлманг, ухлатиб қўйиб. Мана масалан, айиққа ўхшаб-да. Айиқ, ҳаммангиз биласиз, қишда қаттиқ уйқуга кетади. Баҳорда бўлса, тетик уйғониб, ҳаёт кечиришни давом эттиради. Кишини ҳам ухлатиб қўйишади-да, унинг ўзи хоҳлаган пайтда, 50—60 йилдан кейин бўлса ҳам уйғотишади, у ҳам ҳеч нима бўлмагандай ўрнидан туриб, яхшилаб эснаб олади-да, «Энди шу ўрнимдан турсаммикан, турмасам», — деб, кўзларини уқалаб ўтираверади. Бундай қараса шунча вақт ўтиб кетибди-ю, у билмай қолибди. Қизиқ-а?

Жавоб бериш ўрнига ҳамма кулиб юборди. Гапнинг бир учи Қосимжонга келиб тегаётганини болалар ҳам, унинг ўзи ҳам сезиб турарди. Содиқ ака қизариб кетган Қосимжонга кўзини қисиб: «Тўғрисини айтдим-ку, хафа бўлма», дегандай қараб қўйди. Кейин сўзида давом этди:

— Ҳазил, ҳазил билан-у, лекин бу амалга ошириш мумкин бўлган кашфиётнинг аҳамияти катта. Айтайлик, бир киши оғир, узоқ давом этадиган дардга чалиниб қолди. Уни ухлатиб қўйиб, бемалол даволаш мумкин бўлади. Ё бўлмаса жуда узоқ сайёраларга учадиган космонавтлар ҳам кўзланган манзилга «ухлаб» боришади.

**(Давоми бор)**

## БИЛАСИЗМИ?

### ҚОҒОЗ

Қоғозни бизнинг замонамизнинг биринчи асрида хитойликлар кашф этган. VII асрда қоғоз Эрон, ундан Арабистонга тарқалган, кейин араблар уни Европага олиб келишган. Тожикистондаги Муч тоғидан топилган VIII аср архивининг кўплаб ҳужжатлар қоғозга ёзилган.

Ҳозирда қоғознинг 600 дан ошиқ хили бор.

### ҚЎЛСОЯБОН

Қўлсоябонни бошига кўтариб юриш бундан бир неча минг йил аввал Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Ундан бадавлат эканликларини кўрсатиш учун Миср фараонлари, Хитойда паҳлавонлар фойдаланишган. Қўлсоябонни олтин, қимматбаҳо тошлар, гуллар, ҳатто қуш қанотлари билан жиҳозланган.

Европада қўлсоябоннинг пайдо бўлганига атиги бир неча аср бўлди. У қуёшдан, ёмғирдан ҳимоя қиладиган ажойиб қурол ҳисобланади. Дастлабки қўлсоябон теридан ясалган бўлиб жуда оғир бўлган. XIX асрнинг ўртасида ҳозирги қўлсоябоннинг лойиҳасини татбиқ қилгани учун инглиз Г.Фоксга патент берилган.Япониянинг Камо шаҳрида оламда энг йирик қўлсоябон ясалган. Унинг диаметри 5—7 метр, дастаси 7 метр.

### НИНА

Нина бундан ўн минг йил аввал пайдо бўлган. Дастлаб нина суякдан, бронзадан, кейин темирдан ишланган. Бой одамлар кумушлидан ишлатишган. Пўлатдан ясалган дастлабки нинани Европага араблар олиб келишган.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**



**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ**

**Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир ҳайъати:**

**Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.**

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0520.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир Ф.Одилова

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563

Телефон: 33-44-25

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй*